O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY

# ХУШ КЕЛИБСАН, НАВРЎЗИ ОЛАМ!

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 18 март ШАНБА

№ 22-23 (11.825-826)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

## ҚАДАМИНГДА ГУЛЛАР ОЧИЛСИН

**Хосиятли баҳор фаслининг қутлуғ ва мўътабар шодиёнаси — Наврўзи олам нафаси кўнгилларни сарафроз айлайдиган қутлуғ кунларга етиб келдик. Она табиатнинг қиш-қировли синовларидан сўнг толиққан вужудлар, ҳориган чеҳраларга баҳорий шукуҳ жон бағишлади. Борлиқ яшилликка, янгиликка, эзгуликка бурканмоқда.**

Наврўз — Янги кун кимларнинг қалб торларини чертмаган, илҳом бағишламаган, дейсиз?! Лекин таъриф-тавсифингнинг адоғи йўқ сенинг, Кўкламой!

Сен – тириклик омили, ҳаётнинг дебочаси, гўзаллик рамзи, кўнгиллар сурурисан. Сенда унган ҳар бир гиёҳ, майса майин елларингда енгил силкиниб, табиат мўъжизаларидан алёр айтади. Бободеҳқон кўкрагини кериб, елкасини офтобга тутади. Бўлғуси ҳосил хирмонларини чамалаб яхши ниятла ерга уруғ қадайди...

Қадриятлари йиллар, замонлар оша ўлмаган, давр суронларида синмаган халқим, эътиқодингга, бардошингга балли, дейман.

— Ҳой, қўшнилар, Анор ая сумалакка ўчоқ қураётган экан, ўтин тайёрлайлик, — дерди ўша суронли йилларда ҳам эътиқодли қўшниларимиз.

— Буғдойларга сув қуйиб кирдим, савоби катта экан, — дерди мунис онагинам.

— Бор, қизим, Анор аянгга овқат олиб чиқ, ахир бутун маҳалла учун қозон осиш осонми?!

Сумалак қайнатиладиган куни аянинг ҳовлиси тўйхонага айланиб кетарди. Эндигина униб чиққан буғдой майсаларидан кўксига тақиб олган қизалоқларнинг қувончи ичига сиғмас, толбаргакдан ясалган сочпопуклари силкиниб-силкиниб ҳалинчак учишар эди. Шу куни қозон бошидаги гурунг, ўйин-кулги алламаҳалгача давом этар, эртаси эса бутун маҳаллага сумалак тарқатилар, ҳатто қўшни маҳаллалар ҳам бундан бебаҳра қолишмасди. Айниқса, аянинг ўчоғида димланган ҳалимга ҳамма хуштор эди. Етти хил неъматдан тайёрланган бу ноёб таомни «етмиш дардингга даво» дея мақтаб-мақтаб қуйиб берарди ая. Шу баҳона турли кўкатлар-

(Давоми 2-бетда).



## ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 2006 йил 19-20 март кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.**

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ва икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қиладилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

## БИР-БИРИГА ЕЛКАДОШ, ТАЯНЧ ХАЛҚЛАР

**Ўзбек ва қозоқ халқларини кўп нарса – тарих, маданият, урф-одатлар, тил, дин бирлаштириб туради. Достон, масалу маталлари, ҳатто мақоллари ҳам ўхшаш. «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада», «Сув отаси булоқ, сўз отаси қулоқ», «Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш»... Халқ оғзаки ижоди хазинасига бўйлаган киши бундай муштарак бойлик нечоғли кўплигига ишонч ҳосил қилади.**

Яйловларимиз туташ, таъбир жоиз бўлса, бир булоқдан сув ичамиз. Буюк «Ипак йўли»нинг юраги ҳам ўзбек ва қозоқ халқларининг маконида жойлашган. Ўзбекистон билан Қозоғистон мустақилликнинг илк давриданоқ яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, ривожлантириб келмоқда. Халқларимизнинг қардошлиги, давлатларимиз раҳбарларининг дўстлиги, бир-бирига юксак эҳтироми ва ишончи бу йўлда ҳаётбахш омил бўлмоқда.

Ана шу омиллар 1998 йили икки халқнинг азалий орзуси рўёбга чиқишида – Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланишида мустаҳкам замин бўлди.

Бу ўринда Президент Ислом Каримовнинг 90-йиллар бошида айтган сўзларини келтириш жоиз туюлади. «Ўзбек қозоқ билан қудратли, қозоқ ўзбек билан ифтихорлидир».

Бугун Ўзбекистонда 1 миллионга яқин қозоқ миллатига мансуб фуқаро истиқомат қилади. Мамлакатимизда яшовчи бошқа миллат ва элатлар вакиллари қатори улар ҳам юртимиз равнақи йўлида фаол меҳнат қилмоқда. Ватанимизнинг олий мукофоти бўлмиш Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига икки нафар қозоқ ҳамюртимиз – Серикбай Сагатов ва Агитай Адилов ҳам сазовор бўлгани эътиборга моликдир.

Кўпмиллатли диёримизда миллатлараро тотувлик барқарор. Жумладан, қозоқ миллатига мансуб ҳамюртларимиз учун қозоқ тилидаги дарслик ва адабиётлар, «Нурли жол» газетаси нашр этилмоқда, Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» каналида кўрсатувлар намойиш этилмоқда. Мамлакатимизда 257 қозоқ мактаби, 495 мактабда қозоқ синфлари мавжуд. Шунингдек, юртимизда қозоқ маданият маркази, Ўзбекистон-Қозоғистон дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Қозоқ миллатига мансуб юртдошларимиз орасидан кўплаб фан, маданият ва санъат намояндалари, давлат ва жамият арбоблари, депутат ва сенаторлар етишиб чиққанини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бутун дунё, хусусан, бизнинг минтақамиздаги бугунги вазият Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик улкан геостратегик аҳамиятга молик эканини яна бир бор тасдиқламоқда. Ҳеч кимга сир эмас, Марказий Осиёнинг бу икки қудратли давлати нафақат минтақавий интеграцияни ривожлантиришда, балки бу ҳудудда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам ғоят муҳим ўрин тутади.

Хавфсизлик ҳақида гап кетганда, жаҳон энергетика бозоридаги эврилишларга эътибор бермасликнинг иложи йўқ. Мамлакатларимиз энергетик хом ашё захираларига бой.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг бу борадаги яқин ҳамкорлиги дунёда энергетик барқарорликни мустаҳкамлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшади. Тикланмайдиган энергия манбалари камайиб бораётган, конларнинг яна қанча муддат ишлаши ҳақидаги башоратлар кўпаяётган ҳозирги кунда йирик истеъмолчи давлатларнинг Марказий Осиёга нигоҳ қадаётгани бежиз эмас.

Ўзбекистон-Қозоғистон ҳамкорлигининг геостратегик аҳамиятини ифода этиш учун шуларнинг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз.

Албатта, давлатлараро муносабатларда геосиёсат, қардошлик каби ғоят муҳим омиллар қатори иқтисодий мажмуа ҳам ўта муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлик, яқин қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини тўқсондан зиёд ҳужжат ташкил этгани ҳолда, уларнинг элликдан ортиғи иқтисодий соҳага тааллуқли эканлиги диққатга сазовордир. Улар орасида мамлакатларимиз ўртасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисидаги битимлар бор.

Йиллик ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кузатадиган бўлсак, 2004 йилда бу борадаги кўрсаткич 425,9 миллион, 2005 йилда эса 516,4 миллион АҚШ долларини ташкил этганини кўрамиз. Яъни, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ миқдори йилига ўртача 20 фоиздан ортиб бормоқда. Жорий йилнинг январига доир кўрсаткич 40,4 миллион долларни ташкил этгани ҳам бу борада ўсиш давом этаётганидан далолат беради.

Ўзбекистонда Қозоғистон сармояси иштирокида тузилган 73 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг олтитаси тўлалигича қозоғистонлик сармоядорлар ҳисобига очилган. Ушбу корхоналар савдо, қурилиш, озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноат, металлни қайта ишлаш каби соҳаларда иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида

(Давоми 2-бетда).

**Телефон ҳар бир оила учун энг зарур алоқа воситаси экани сир эмас. Истаган вақтда узоғимизни яқин қилишга хонадонимизга ўрнатилган кабель телефонлари асқотади.**

## «HUAWEI» МАЪҚУЛ БЎЛМОҚДА

Бироқ яқин-яқингача Олмалиқ аҳолиси томонидан шаҳар телекоммуникация боғламаси хизматига нисбатан тез-тез норозиликлар билдирилар, унинг сифатсизлиги, муайян вақтларда ишламай қолиши мижозларда ҳақли эътироз уйғотарди.

Эндиликда бу муаммолар бартараф этилди, дейиш мумкин. Шаҳар телекоммуникациялар боғламаси олмалиқликлар учун байрам совғасини туҳфа этди. Наврўз арафасида шаҳарда янги «Huawei» электрон станциясининг қурилиш ишлари якунига етказилди. Бу хизмат тури алоқа сифатини ошириш билан бирга абонентлар учун қатор қулайликлар яратади. Ҳозиргача 4 минг абонент янги хизмат турига уланди. Келгусида улар сафи 20 мингтагача етказилиши кутилмоқда. Унда алоқа аниқ ва тиниқ, шовқинсиз бўлади. Шу билан бирга уйда бўлмаган абонентга қўнғироқ қилинганда автоматик равишда рад жавоби берилади.

**Камола УМАРАЛИЕВА.**

*Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири*

## ШУКРОНА

*Меҳр отлиғ майсанинг юзин очди кўкламой,*
*Гул бўлсин деб куртаклар кўзин очди кўкламой,*
*Бошимиздан булбулнинг сўзин сочди кўкламой,*
*Дилларнинг хуш дуога тўлганига шукрона,*
*Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.*

*Сизиб чиқар кўзлардан тўкилмаган туйғулар,*
*Эриб кетган қор каби қочиб кетди қайғулар,*
*Дийдалардан дур тўкиб хуш келдингиз кулгулар,*
*Саболарни соз чалиб елганига шукрона,*
*Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.*

*Ой экан, офтоб экан осмоннинг ишонгани,*
*Дунёга келсанг арзир бир гулни тушунгани,*
*Бойчечак кулгусига бир нафас бойланг мани,*
*Ҳовучларим ёмғирга тўлганига шукрона,*
*Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.*

*Ўтган кунинг кетган қуш, қанотини кўрсатмас,*
*Пойингдаги майса ҳам фарёдини кўрсатмас.*
*Қалдирғочлар ҳеч қачон ҳеч кимсани қақшатмас,*
*Айвонларинг шу қушга тўлганига шукрона,*
*Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.*

*Қутлуғ куннинг қадрини қутлаганлар билгайлар,*
*Бир мискиннинг бағрини бутлаганлар билгайлар,*
*Кўклам юзин кўрганлар куртаклардек кулгайлар,*
*Толеимиз ҳур элда кулганига шукрона,*
*Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.*

*Тадбир*

## ЙИЛБОШИ ТАҚДИМОТИ

**Пойтахтдаги «Intercontinental» меҳмонхонасида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Соғломлаштириш таълим дастури»ни ўтказишга бағишланган тақдимот маросими бўлди.**

Тадбир Procter & Gamble компанияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Компания 1998 йилдан бошлаб мамлакатимизда «Соғломлаштириш таълим дастури»ни биргаликда ўтказиб келади. Ўтган вақт мобайнида «Балоғат даври», «Жозибадор табассум» ҳамда «Соғ танда — соғлом бола» дастурлари амалга оширилиб, уларнинг мақсади соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, болалар ўртасида стоматологик касалликларнинг олдини олиш ҳамда ёш оналарни гўдаклар парваришидаги асосий кўникмаларга ўргатишдан иборат бўлди.

Тадбирда республикамизнинг бир неча ҳудудларидаги шифохоналарга шахсий орасталик воситалари тақдим этилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

## СОВРИНГА ТЕЛЕВИЗОР

**Қадимий байрамимиз — Наврўзи олам арафасида шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳар қачонгидан қизғин тус олмоқда. Тошкент шаҳридан бошланиб, Фарғона водийси, Сирдарё, Бекобод, Қозоғистон томонларга олиб борувчи марказий йўлларнинг бўйларида жуда катта ҳажмдаги кўчат ўтқазиш ишлари бажарилмоқда.**

Ана шу саъй-ҳаракатларга яна ҳам юқори самарадорлик бағишлаш, Буюк ипак йўлларининг вилоятимиздан ўтувчи қисмларида файзли, соя-салқин масканлар барпо этишни кўзлаб, вилоят ҳокимлиги танлов эълон қилди.

Танлов катта йўл бўйларини ободошлаштириш, кўкаламзорлаштиришда алоҳида ғайрат-ташаббус кўрсатган шаҳар, туман, корхона ҳамда хўжаликлар ва уларнинг раҳбарларини рағбатлантиришга қаратилган. Ҳар бир йўналиш ғолибларига биринчи ўрин учун рангли телевизор, иккинчи ўрин учун катта гилам, учинчи ўрин учун қўшкассетали магнитофон мукофотлари таъсис этилган.

Танлов натижалари кўкаламзорлаштириш мавсуми якунлангач, эълон қилинади.

## МАҚСАДЛАР АЗАЛДАН МУШТАРАК

**Шарқ халқлари орасида азал-азалдан яқин қўшничилик, ўзаро борди-келди алоқалари яхши йўлга қўйилган. Айниқса, тили бир, дини бир, қондош-жондош ўзбек-қозоқ халқларининг дўстона муносабатларининг илдизи жуда чуқур томир отган.**

Қутлуғ Наврўз айёми арафасида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг юртимизга қиладиган ташрифи ана шу узоқ йиллик дўстона муносабатларнинг давоми, далили десак бўлади.

«Меҳр кўзда», дейди доно халқимиз. Янгиланиш, яшариш, эзгулик туйғуларига ошно икки халқнинг қалбида дўстлик ришталари янада мустаҳкам боғланиши шубҳасиз. Биргина савдо-сотиқ соҳасидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб, кейинги уч йилда 1,7 баробар ошганлиги, яъни 500 миллион АҚШ доллари миқдорига етганлиги буни тасдиқлаб турибди. Ташриф чоғида ўзаро савдога ғов бўлиб турган турли чеклаш ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ҳужжатларнинг имзоланиши бундан кейинги иқтисодий, ижтимоий алоқаларни кенгайтириш имконини бериши табиий.

Муҳими минтақадаги тинчлик, хавфсизликни таъминлаш айниқса, ҳозирги кунда ўз мустақиллиги йўлидан собитқадам бораётган давлатларни кўролмаётган террорчилардан огоҳ бўлишда бу икки халқнинг ҳар томонлама дўстлиги, ҳамкорлиги ниҳоятда зарур, деб ўйлайман.

**Алия НИШОНБОЕВА,**
**Юқоричирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Азиз юртдошлар!

«Чирчиққишлоқмаш»

очиқ акциядорлик жамияти

Сизларни азалий ва саодатли айём билан қизғин муборакбод этиб, кўнгилларга шодлик, хонадонларга хотиржамлик ва қут-барака тилайди.

Фурсатдан фойдаланиб,
корхона вилоятдаги барча фермер хўжаликларидан
жорий йилнинг баҳорги экин-тикин ишлари учун
КХУ-4Б, КХУ-4А культиваторларига,
ЧКУ-4А чизель культиваторига, ГХ-4 пушта очувчи,
ПД-4-45, ПЯ-3-35, ПН-3-80, ПН-2-30 плугларига,
БО-000 тишли борона, шунингдек, барча турдаги
қишлоқ хўжалиги техникаларининг эҳтиёт қисмларига
чегараланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилади.
**Манзил:** Чирчиқ шаҳри.
**Телефонлар:** (37171) 6-21-58, 6-23-49. Факс: 6-40-58.

**Байрамингиз кўнгилли ва мазмунли ўтсин!**

«УГАМ-ЧОТҚОЛ»

Давлат табиат миллий боғи бошқармаси ва

«БУРЧМУЛЛО»

ўрмон хўжалиги

Ўлкамизнинг уйғониш даврида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини, шу жумладан, дунёда тенги йўқ табиатимиз муҳофазаси йўлида жонбозлик кўрсатаётган ҳамкасбларни яшариш, янгиланиш байрами билан самимий муборакбод этади.
Она-диёримизнинг бетакрор, гўзал табиати ҳеч қачон завол кўрмасин!
Яшил бойликлар кўпаяверсин!
Хонадонларимиздан файзу тароват, тинчлик-хотиржамлик аримасин!

# «ЭЪЗОЗЛИ ИНСОН УЧУН БИР ТУП НИҲОЛ»

**Она сайёрамиз тириклиги бевосита дов-дарахтлар, гулу ниҳоллар билан бардавом. Айнан экологик муаммолари етарли бўлган Олмалиқ шаҳри ҳавосининг тозалиги ҳам яшилликнинг нечоғли кўплигига боғлиқ.**

Бугун яшариш, янгиланиш фасли. Март — ерга уруғ қадаш, ниҳол экиш ойи. Шу муносабат билан шаҳар ҳокимлиги «Эъзозли инсон учун бир туп ниҳол» ташаббуси билан чиқди. Ҳокимлик ҳовлисига йиғилган маҳалла оқсоқоллари, масъуллар ташаббусни қўллаб-қувватладилар.

Шу куни ерга қадалган ниҳол шаҳар ривожи, тараққиёти учун меҳнат қилиб ўтган, фидойи инсонлар — шаҳарнинг биринчи шифокори — Тожихон Аъзамов ҳамда шаҳар саноати ривожига муносиб улуш қўшган инсон Павел Поклонский хотирасига аталди.

Дарҳақиқат, ҳокимлик ҳовлисидаги гулзорга экилган бу бир жуфт ниҳол билан ўтган икки инсон хотираси яна бир бор абадийлашди, десак муболаға бўлмас.

— Бу энг хайрли ташаббусдир, — дейди Олмалиқсой маҳалласи раиси Шерали Бойназаров. — Мен ҳам депутат, ҳам маҳалла оқсоқоли сифатида ташаббусни қўллаб-қувватлайман ва уни бутун Олмалиқсойда оммалаштираман.

Дарҳақиқат, бу хайрли ташаббус эндиликда барча маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, ўқув юртларида, таълим муассасаларида оммалашиб кетди.

**Ойсара ДАДАЕВА,**
**Олмалиқ шаҳри.**

*Орзу-умидлар фасли*

**Байрамлар ичида Наврўзнинг ўрни, файзи бошқача. Айниқса, деҳқон учун кўкламнинг ҳар бир куни завқли, умидбахш. Наврўз ўз номи билан янги кун, янги орзу-умидлар, янги мақсад-режалар бошланадиган фусункор айёмдир.**

# ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Юртимиздаги кўплаб деҳқонлар қатори мен учун ҳам баҳорнинг илк кунлари қувончли келди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган муҳим, истиқболли ислоҳотларнинг бевосита иштирокчисига айландим, мулкдор бўлдим. Юртбошимизнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони биз қатори минглаб қишлоқ одамлари, соҳибкору миришкорлар, деҳқону боғбонлар учун мислсиз имкониятлар эшигини очиб берди. Шу кунгача ширкат хўжалигининг оддий бир аъзоси, пайчиси эдик. Кўп ҳолларда меҳнатимиз, жон койитиб қилган саъй-ҳаракатларимиз муносиб қадр топмасди.

Энди эса замон талаби бошқа. Мамлакатимизда мулкдорлар, тадбиркорлар учун беназир ғамхўрликлар кўрсатилиб, етарли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Энди меҳнат қилган кам бўлмайди. Деҳқон борки, ишлаётган ерига, бунёд бўлаётган ҳосилига тўлақонли эга, фаолиятининг фойда-зиёнига ўзи масъул.

Яқиндагина бўлиб ўтган ширкат хўжалигимиз аъзоларининг ёпиқ кимошди савдосида иштирок этиб, шу чоққача ўзим меҳнат қилиб келган 4,2 гектарли мевали боғни сотиб олдим. Бу менинг кўп йиллик орзуйим эди. Унинг ижобати учун кенг йўл очиб берилганидан ғоят мамнунман.

**Ғайрат СУЛАЙМОНОВ,**
**Қибрай тумани.**

*Кўчат экинг, бўстон яратинг*

# МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР

**Тажрибали боғбонларнинг эътироф этишича, янги боғ-роғлар барпо этишда, тегишли ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига мос, сара ва сифатли мева навларини танлай билиш бирламчи омил ҳисобланади.**

Айни вақтда кўча-кўйлар, бозорлар, аҳоли гавжум масканларда мева ниҳоллари савдоси билан шуғулланаётганлар кўп. Афсуски, катта-кичик томорқаларда қўлбола усулда тайёрланган кўчатлар ҳар доим ҳам ишончли чиқавермайди. Бу борада катта тажрибага эга бўлган, тармоқда узоқ йиллардан бери самарали изланишлар олиб бораётган махсус кўчатчилик хўжаликларининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Тошкент туманидаги Р. Шредер номли илмий-текшириш иститути ва унинг қошидаги «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси ана шундай йирик хўжалик тузилмаларидан ҳисобланади. Бу ерда тайёрланаётган юзлаб турдаги мевали, манзарали дарахт кўчатлари, шунингдек, турфа гул ниҳоллари нафақат вилоятимиз, балки, бутун мамлакат бўйлаб тарқатилади.

Ҳозиргача мавсум учун 4,5 миллион дона икки, уч яшарли мева, узум, атиргул ва манзарали дарахт кўчатлари экишга тайёрланди.

— Тарқатаётган кўчатларимизнинг барчаси текширувдан ўтган, олий навли, талабга тўла жавоб беради, — дейди кўчатчилик бригадаси бошлиғи Қобил Раҳимжонов. — Уларни сифатли тайёрлашда марказимиздаги 100 га яқин олим ва илмий ходимлар самарали изланишлар олиб бормоқда. Боғдорчиликда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Бакир Раҳимжонов, Маърифат Сотиболдиева, Сайёра Жиянбоева каби пайвандчи мутахассисларимиз кўчатларни етиштириш ва эгаларига тарқатишда алоҳида намуна кўрсатишмоқда.



Бу йил вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари буюртмаси учун 400 минг туп мева, узум кўчатлари етиштириб қўйганмиз. Бизга мурожаат қилаётган фермерлар шартнома асосида 800-1000 туп атрофида кўчат сотиб олмоқда. Айниқса, гилос, нок, олма, шафтоли, ўрик, беҳи каби меваларнинг ноёб навларига талаб катта бўлмоқда.

Корпорация янги ташкил топаётган фермер хўжаликлари учун семинар-машғулотлар уюштириб, боғдорчилик агротехникасига доир ўқув қўлланма ҳам ишлаб чиқмоқда. Тез кунларда деҳқону боғбонларга етиб борадиган ушбу қўлланма улар учун бир қанча қулайликларни яратиши табиий.

Ўлкамизда Наврўзи олам кезмоқда. Айни шу кезларда чор-атрофни кўкаламзорлаштириш, гулзору боғ-роғлар барпо этиш халқимизга хос эзгу фазилатдир. Истардикки, барча бу хайрли вазифага муносиб ҳисса қўшса, ҳеч ким четда турмаса.

**Мўмин ИБОДОВ.**

**СУРАТДА:** *буюртмачилар кўчат танлаш пайтида.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Қишлоқ мулкдорлари*

**Айни вақтда жадал ривожланиш йўлини босиб ўтаётган фермерлик ҳаракатини мамлакатимизда мустақиллик инъом этган энг катта имкониятлардан бири, деб биламан. Мамлакатимиз раҳбарининг бевосита эътибори, ғамхўрлиги намунаси сифатида қабул қилинаётган қатор Фармон ва қарорларда тармоқ учун мислсиз қулайлик ва имтиёзлар яратилмоқда, ҳаракатнинг ҳуқуқий асослари мукаммаллик касб этиб, мулкдор меҳнати қадр топмоқда.**
**Бу беқиёс имкониятлар ҳаётимизни, турмуш тарзимизни тубдан ўзгартириб юборди. Бугун оддий деҳқонларимизнинг онгу шуурида меҳнатга, ерга, мулкка бўлган янгича муносабатлар шаклланиб улгурди.**
**Қисқаси, бугуннинг фермери аввалги колхозчи ёки уззу кун кетмон чопиб, иши юришмаган, бири икки бўлмаган оддий деҳқон эмас, у чинакам замон кишисига айланган.**



# ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ИМКОНИЯТ КЎП

Бизнинг «Покиза-М» фермер хўжалигимиз ҳам ҳаракат ривожи учун йўл очиб берган истиқлолнинг дастлабки йиллари ташкил этилди. Хўжалигимиз тумандаги собиқ А. Навоий номли ширкат заминида. Дастлаб унумдорлик даражаси анчайин паст бўлган, деярли ташландиқ ҳолга келиб қолган 52 гектар ерда иш бошладик. Ўша вақтлар чекимизга тушган ерларда ҳосилдорлик пахтадан аранг 9-10 центнерни ташкил этарди. Устига устак, экин майдонимизни қалин ажриқ босиб, йиллаб маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйинмаган эди

Ерга чинакам эгалик ва шахсий манфаатдорлик ҳисси билан муносабатда бўлганлигимиз боис, дастлабки мавсумнинг ўзидаёқ ҳосилдорликни қарийб 10 центнерга кўтаришга муваффақ бўлдик. Ер унумдорлигини, тупроқнинг табиий шароитини йилма-йил оширишга ҳаракат қилдик. Ўз ўзидан ҳосилдорликка ҳам, даромадимизга ҳам барака кирди.

Ўтган йиллар давомида фаолиятимиз кутилгандан ҳам зиёда ривожланиб борди. Собиқ ширкат тугатилиб, унинг ерлари тендерга қўйиладиган бўлди. Танловда қатнашиб, экин майдонларимиз ҳажмини 176 гектарга етказдик. Ҳар йили давлатга буюртмадан ошириб 160 тоннага яқин ғалла, 220 тонна атрофида пахта етиштириб бераяпмиз. Ҳосилдорлик ғалладан ўртача 65, пахтадан эса 35 центнердан юқори бўлиб, рентабеллик даражаси ҳам йилма йил ошиб бормоқда.

Муваффақиятимизнинг яна бир муҳим омили — хўжалигимиз техник негизининг борган сари мустаҳкамланаётганидадир. Чинакам қўшқанотимиз ҳисобланган тракторларимиз сони ҳам ўнтага етиб қолди. Ҳосил етиштириш учун керакли барча агротехник ускуналар, зарур механизмлар ўзимизда мавжуд. Шу боис ҳам ишга ташқаридан техника ёлламаймиз, ортиқча сарф-харажатга ўрин қолмайди.

Айни Наврўз кунлари эришилган муваффақиятларни сарҳисоб қилиш кишига бўлакча кўтаринкилик, умидбахш руҳ беради. Янги мавсумни ҳам ана шундай хуш кайфиятда бошладик. Ҳозир 100 гектар майдонда ғалла етиштирмоқдамиз. Қишдан яхши чиқиб олган майсалар баравж ривожланмоқда. Яқинда иккинчи марта ўғитладик. Ҳосилдорликни камида 65 центнерга етказишни кўзлаб турибмиз.

Яхши ният ва баланд марраларни кўзлаб, ерга чигит қадаш фурсати ҳам тобора яқинлашмоқда. Пахтага ажратилган 70 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, маҳаллий ўғитларга тўйинтириб, рисоладагидек ишлов беришга бор имкониятларни сафарбар этяпмиз. Барча агротехник ускуна ва механизмларимиз мавсумга сифатли ҳозирланди. Ўғит ва ёқилғи-мойлаш ашёлари масаласини ҳам ҳал этиб бўлдик. Бу йил янги нав уруғлик экишга қарор қилдик. «Меҳнат» деб аталган ушбу чигит нави тупроқ ва иқлим шароитимизда синовдан яхши ўтди. Селикционер олимлар ва тупроқшунослар билан бамаслаҳат иш кўриб, мазкур навни жами экин майдонимиз бўйлаб ёйишни режалаяпмиз.

Шунингдек, хўжалигимиз тармоқларини эҳтиёжга қараб кенгайтиришни кўзлаяпмиз. Ҳудудимизда сабзавот, мева-чевалар, хусусан, иссиқхона шароитида етиштириладиган маҳсулотларга талаб катта. Шуни инобатга олиб, кичикроқ майдонга табиий ҳароратда ҳосил етиштирувчи иссиқхона қуришни ҳам мақсад қилганмиз.

Инсон ким бўлишидан қатъи назар ҳамиша яхшиликка, эзгуликка талпиниб яшайди. Бу йилнинг Юртбошимиз томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши хайрли ишлар кўламини мислсиз кенгайтирмоқда. Хўжалигимиз ҳам бундай фазилатли вазифалардан четда турмаяпти. Ёшларнинг муносиб таълим-тарбия эгаллашлари учун мавжуд шароитларни яхшилаш мақсадида ҳудудимиздаги иккита мактаб ва болалар боғчасига мунтазам кўмак бериб келмоқдамиз. Ўсмирларнинг спорт билан шуғулланиш имкониятларини яхшилаш, илм сари рағбатлантиришга, ўқув биноларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Умуман, бу ишлар учун шу чоққача 20 миллион сўм атрофида маблағ сарфладик.

Мухтасар қилиб айтганда, катта йўлга юксак манзилларни кўзлаб чиққанмиз. Бугун янги орзу-умидлар, эзгу ниятлар ила бошланадиган янги кун — Наврўзи оламни қарши олаяпмиз. Назаримда, бу шукуҳли айём аввало деҳқонлар байрами. Ҳамал кирди — амал кирди, дейдилар. Айнан шу кезларда халқимизнинг эртанги ризқ-насибаси уруғлари сочилади. Бунда муносиб ҳиссамиз, ўрнимиз борлигидан ҳамиша фахрланамиз.

**Абдумалик КАРИМОВ,**
**Оққўрғон туманидаги «Покиза-М» фермер хўжалиги раҳбари.**

*Касаначиликка кенг йўл*

# ИККИ ТОМОН МАНФААТДОР

**Ўртачирчиқлик тадбиркор Башорат Нуриллаева ўз иш фаолияти давомида касаначиликка катта эътибор қаратиб, ушбу соҳани ривожлантираётганлардан.**



Тиниб-тинчимас бу аёл Янги ҳаёт қўрғони Мустақиллик маҳалласида тикувчилик цехини очиб, касаначиликни йўлга қўйди ва 30 нафардан зиёд хотин-қизларни иш билан таъминлади. Уй шароитида яратилган зардўзлик, каштачилик, тикувчилик маҳсулотлари ўз харидорларини топишга улгурди.



Касаначиликни ривожлантириш орқали аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган, йўқолиб кетиш арафасидаги ҳунармандчилик турларини, хусусан, косиблик, зардўзлик, дўппидўзлик, дурадгорлик, темирчиликни ривожлантириш ва анъаналаримиз ҳамда урф-одатларимизни янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

**Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *цех фаолиятидан лавҳалар.*

**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.**

# ВАТАН БИТТА, ВАТАН ЯГОНА

**Шу кунларда бутун олам яшариб кетгандек. Ўлкамизда яна баҳор фасли — Наврўз айёми. Яшилликка бурканган она-Ватаннинг ҳар қарич ери мен учун табаррук, муқаддас.**

Мана эллик йилдан ошди, шу тупроқ гарди кўзларимга тўтиё. Бағри кенг ўзбек халқи, ўзбек диёри қалбимда улуғ инсоний фазилатларни уйғотди, яхшиликка ошно қилди. Ҳали оқ-қорани ажратмай, Ватан сўзига зор ўксик вужудимга жон бахш этган она-Ватан — Ўзбекистоним! Кимларнинг бошини силамадинг, сен.

Мустақиллик майдонидаги эзгулик тимсоли – Бахтиёр она гўё менинг онамдек. Барча миллат вакиллари эмин-эркин яшайдиган, инсоний ҳуқуқларинг қонун билан ҳимояланган юрт учун жон фидо қилсанг арзийди.

Янгийўл шаҳридаги Фарҳод маҳалласи билан ҳаётим чамбарчас боғлиқ бўлиб қолган. Унда 14 миллат фарзандлари аҳил-иноқ яшайди. Маҳалла маслаҳатчиси сифатида ҳар бир хонадоннинг яхши-ёмон кунида доимо бирга бўлишга ҳаракат қиламан.

Орамизда саховатли, меҳр-мурувватли инсонлар кўп. Бу мени қувонтиради. Айниқса, Наврўз кунларида серҳиммат ҳомийларнинг эзгу ишларидан бошим кўкка етгудек бўлади. Маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларни ўз оталиғига олган тадбиркорлардан жуда миннатдорман. Одамларни севиб, ардоқлашда ҳикмат кўп. Умрим давомида қилган барча хайрли ишларимни ўйлаб, шукроналар келтираман. Қалблар фақат эзгулик иштиёқида ёнса, ҳаётнинг бундан ортиқ роҳати борми? Мана шу улуғ айём кунларида барча ватандошларимга соғлиқ-омонлик, тинчлик, фаровонлик тилайман.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили дея аталган 2006 йил тарих зарварақларига муносиб ўзгаришлар, кўтаринкилик, руҳий фаровонлик, тўкинлик йили сифатида ҳам қайд этилишига ишонаман. Зеро, Ватан равнақи, юрт фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилувчи заҳматкаш халқимиз бор, ҳар қандай шароитда ҳимоя қила оладиган суянчиғимиз, эркин, озод Ватанимиз бор.

**Лилия СИМОНЯН, меҳнат фахрийси. Янгийўл.**

Бўка шаҳридаги Маданият маҳалласида 9 миллат вакилларидан иборат 3150 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳовлилар билан бир қаторда 28 та кўп қаватли уйлар ҳам шу ерда жойлашган.

# ТАРАДДУД

Маҳалла маслаҳатчиси Саҳобат Акбарованинг айтишича Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг дастлабки кунлариданоқ меҳр-мурувватли инсонлар ёрдамида кўпгина хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Асосий мақсад — кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш. Бўка пахта тозалаш заводининг ҳомийлик ёрдамидан аҳоли жуда миннатдор. Наврўз кунларида маҳалладаги етти нафар ёлғиз қарияларга, шунингдек, кам таъминланган оилаларга саховатли ҳомийлар томонидан хайрия дастурхони ҳамда байрам совғалари уюштириш режалаштирилган.

Халқимизда «Маҳалланг — ота-онанг» деб бежиз айтилмаган. 168 нафар вояга етмаган болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида зарур шарт-шароитлар яратилган. Янги замонавий спорт мажмуаси ўсмирларнинг севимли масканига айланган. Наврўз кунлари ўтказиладиган халқ сайллари, турли танлов, мусобақаларда ана шу ёш спортчилар фаол иштирок этишади.

Ҳозирда эса улар маҳалладаги ободончилик ишларида катталарга ёрдам беришмоқда. Кўчалар, ариқ-зовурларни тозалаш, дарахтларни оқлаш, кўчат экиш каби юмушлар маҳалла аҳли томонидан жуда тез ва соз бажарилди.

**С. ЭШМАТОВА.**

*Биласизми?*

## *Удумлар, анъаналар ва расм-русумлар*

*** Айрим жойларда янги йил кирганини Наврўздан ёки кўктумшуқ тўрғайнинг учиб келишига қараб аниқлашган.**

*** Сумалак баҳорнинг энг тансиқ, шифобахш ва мўътабар таоми ҳисобланади. Аёлларимиз қозон атрофида дилдан гурунглашиб, лапарлар, турли чистонлар айтишган. Давралардан шеърхонлик, ҳазил-мутойиба, ўйин-кулгу аримай, сумалак пишиб, тарқатилгунча давом этган.**

*** Байрам арафасида қўш оши пиширилиб, қўш-омочлар созланиб, ҳўкизларнинг шохи мойланган.**

*** Хонадонда янги дунёга келган фарзанд исмини — Наврўз, Наврўза қўйишган. Бу анъана ҳали-ҳануз давом этиб келмоқда.**

# ЯНГИ ХИЗМАТ ШАХОБЧАЛАРИ

**Айём муносабати билан Ангренда аҳолига хизмат кўрсатувчи турли иншоотлар фойдаланишга топширилди.**

Чунончи, Кўктерак маҳалласида янги гузар, Ҳаккарман маҳалласида савдо уйи, омухта ем омборхонаси, шаҳар марказида янги автобекат ва савдо дўконлари, шунингдек, бир қатор маиший устахоналар шулар жумласидандир.

Шаҳарда иш бошлаган хусусий тиш даволаш клиникаси ҳам ана шундай объектлардан биридир.



— Даволаш ишлари билан бирга бўлимда тиш қўйишнинг янги технологияларига асосланган усуллари жорий этилган, — дейди врач-ортопед Зулхумор Қосимова.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

***СУРАТДА:*** *врач-ортопед З. Қосимова навбатдаги мижозни қабул қилаяпти.*

**Муаллиф олган сурат.**

*«Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2006»*

# ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2006» кўрик-танлови эълон қилинган эди.**

15 март — Халқаро истеъмолчилар куни муносабати билан Тошкент шаҳридаги «Зарафшон» киноконцерт зали биносида танловнинг 1-республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида ғолиб бўлган 28 нафар талаба ўз билимларини синашди. Вилоятимиз вакилларидан Янгийўл технология-иқтисодиёт ва Чирчиқ маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари талабалари Умид Нуриддинов ҳамда Сожида Бердиёровалар ҳам муваффақиятли қатнашиб, ўз қобилиятларини намойиш этдилар.

Шунингдек, ўқувчи-иштирокчилар танлов давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлдилар ҳамда Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилдилар.

Якуний республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳридаги Юнус Ражабий номли педагогика коллежи 1-курс талабаси Муяссар Илҳомовага замонавий Pentium-IV компьютери, иккинчи ўринни эгаллаган Наманган вилояти юридик коллежи 3-курс талабаси Ширин Норматовага мусиқий марказ, учинчи ўринга лойиқ топилган Нукус тиббиёт коллежи 1-курс талабаси Аксунгул Балтимуратовага рангли телевизор туҳфа этилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**


Янгийўл туманидаги

«Я-Дем Текстиль»

Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси
байрамларнинг энг фусункори бўлган

Наврўзи олам

*билан Ўзбекистон аҳли, меҳмонларини ҳамда ўз мижозларини*
*дўстона муборакбод этади!*
*Наврўз табиатнинг уйғониш палласи, умумхалқ байрами,*
*меҳр-мурувват айёми, орзу-умидлар рамзидир.*
*Шу билан бирга Наврўз ҳаёт мўъжизалари,*
*табиат саховатининг ёрқин кўринишидир.*
*Халқимиз Наврўзни ўзгача соғинч, ўзгача умид билан кутади.*
*Зеро, ушбу айём қалбларимизга ёруғлик олиб киради,*
*кўнгилларимизни мунаввар этади.*
*Табиатга меҳр, эртанги кунга ишонч уйғотади.*
*Бошланаётган Янги кун дастурхонимизга қут-барака,*
*юртимизга тинчлик, оилаларимизга хотиржамлик,*
*қалбимизга меҳр-мурувват, муҳаббат олиб келсин!*

# «ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

очиқ акциядорлик бирлашмаси бошқарув кенгаши

мустақил юртимиз бўйлаб яшиллик
сепини ёйган навбаҳор айёми

## Наврўзи олам

билан бутун ватандошларимизни,
вилоятимиз меҳнаткашларини самимий муборакбод этади.
Мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрўси,
шон-шуҳрати янада ошаверсин.
Халқимизнинг тинчлик ва тараққиёт, ривожланиш йўлидаги
қадамлари бундан-да салмоқли бўлсин.
Истагимиз, ҳар гўшада байрам таровати ҳукм сурсин.
Кўнгилларга фараҳбахш орзулар,
истиқболли мақсадлар ҳамроҳ бўлсин!



**Азиз юртдошлар!**
Мана, қиш фаслининг ўзига хос
мўъжизасию инжиқликлари ортда қолиб,
орзиқиб кутилган фусункор
баҳор фаслининг шукуҳли кунлари келди.
Ҳаммангизни умумхалқ байрами –

## Наврўз шодиёнаси

билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз.
Ҳар бирингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик,
оилаларингизга осуда ҳаёт, ҳамжиҳатлик,
бахту саодат тилаймиз.
Ҳомийлар ва шифокорлар йилида
эзгу ниятларингиз ва орзу-ҳавасларингиз
бекаму кўст ижобат бўлишини тилаймиз.
Миллатимиз ва мамлакатимиз номи асрлар оша
масрур жаранглаб, дунё халқларининг
ҳавасини келтираверсин!

**Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази жамоаси**



# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

**акционерлик компанияси**
**Тошкент-Телеком филиали жамоаси**

*Ўзбекистон аҳлини
янгиланиш ва гўзаллик байрами*

## Наврўз

*билан самимий қутлайди.
Мустақиллик йилларида соҳа фидойилари
телефон алоқаси тизимини энг илғор
андозаларга мос равишда
такомиллаштиришга эришмоқдалар.
Телефон дийдор, ҳожатбарорлик,
самарали фаолият, ҳаракат ва баракат
уйғунлиги, меҳр-оқибат кўпригидир.
Барча йўналишлар бўйлаб режаларини
ошиғи билан уддалаб келаётган
телеком жамоаси юртимизда аҳиллик,
меҳр-мурувват, ҳамжиҳатликнинг янада
мустаҳкамланиб боришига камарбаста
эканлигидан мамнун.
Тўлқинларимиздан фақат эзгулик
муждалари янграсин, деймиз!*


Муҳтарам ватандошлар!
«ТОШВИЛОЯТГАЗ»
корхонаси
Сиз азизларни фасли навбаҳор айёми
Наврўз
билан самимий қутлайди.
Мустақил юртимиз тараққиёти йўлида
самарали меҳнат қилаётган бунёдкор
халқимизнинг барча орзу-умидлари
амалга ошаверсин.
Иқтисодий-ижтимоий соҳаларда
эришган ютуқларимиз йилдан-йилга
мустаҳкамланиб бораверсин!
Байрамона кайфият сизларни тарк этмасин!

## Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

# КУНЛАРДАН БИР КУН...

*Одатда, кўпчиликнинг назарида бўлган кишилар ҳаёти ва кундалик фаолияти, инсоний фазилатлари, эзгу, солиҳ амаллари, феъл-атворидаги қирралар бошқаларга ибрат сифатида хизмат қилади. Шу боис бундай инсонлар билан боғлиқ турли воқеа-ҳодисалар баёни оғиздан оғизга ўтиб юради.*

***Ички хизмат генерал-майори Мурод Шералиевни ҳам ана шундай инсонлар қаторига қўшиш мумкин. Узоқ йил мамлакатимизнинг қатор ҳуқуқ-тартибот идораларини бошқарган генерал туғилиб ўсган Дўрмон қишлоғининг ёши улуғлари ҳамқишлоқлари номи билан боғлиқ жонли хотираларни бот-бот ёдга олиб туришади. Биз уларнинг бир шингилини жамлашга жазм этдик. Бинобарин, улар бетакрор феъл-атвор соҳиби, мард ва камтарин, ҳалол ва олижаноб инсон суратига ўзига хос чизгилар бўлса, ажабмас.***

## ҚАДДИНГНИ КЎТАРИБ ЮР...

... Етмишинчи йиллар экан. Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал Мурод Шералиев қабулига йигирма беш ёшлардаги норғул бир йигит кириб, бироз зардали оҳангда ўзини таништирибди.

— Мен Товоқсойда жазо муддатини ўтаётган фалончининг ўғлиман!

Бошлиқ ўша маҳбусни дарҳол танибди. Анчайин ашаддий жиноятчи. Уни ушлаб, айбини исботлагунча, бутун вилоят милицияси қарийб икки йил оёқда турган.

Аммо қабулига кирган йигитнинг дадил важоҳати ва бурролигидан генерал андак сергак тортибди. Йигитга графиндан сув қуйиб узатибди.

Йигит бироз ҳовуридан тушгач, муддаога ўтибди.

— Қаршидаги зонага жўнатишаётган экан. Сиздан илтимос, отамни шу ерда қолдиринг.

— Кечирасиз-у, бу бизга боғлиқ эмас, — дебди генерал йигитнинг мақсад-муддаосини тушунолмай.

— Биламан, сизнинг ишингиз фақат қамаш, отиш! — дебди йигит яна дарғазаб бўлиб. — Бу ёғи билан ишингиз йўқ!

Мурод Шералиев табиатан кўнгилчан одам эмасми, кутилмаган дағдағадан ҳангу манг бўлибди. «Отасига ўхшаган терсгина экан, — деб ўйлабди ичида. — Илоннинг боласи илон, чаённинг боласи чаён, дегани шумикан...» Шу пайт устозларининг панду насиҳати ёдига тушибди: «Қалбинг қайноқ, ақлинг расо бўлсин...»

Генералнинг оғир сукути йигитни шаштидан тушириб-ди, бемаврид иддаоларидан хижолат чекиб, ерга қарабди. Хўрлиги келибди.

— Тушунинг, отам касал, — дебди йигит йиғидан ўзини тутолмай, — оғир касал, жигари ёмон азоб беради. У буни ҳеч кимга айтмаган. Фақат ўзимиз биламиз. Бу ерда қолсалар тез-тез учрашиб, хабар олиб турардик. У сиз учун жиноятчи бўлса, мен учун ота, ахир...

Мурод Шералиевга шунинг ўзи кифоя қилади. Дарҳол гўшакни кўтариб, мутасаддиларга кўрсатмалар берибди:

— Ортиқча ишлатишмасин, оғир юмушлар буюришмасин, шўрликнинг жигари касал, ҳаммамиз одам боласимиз-ку, ахир... Ҳа, айтгандек, уйидагилари, фарзандлари борса, учраштириб туришсин... Ҳа, ҳа, Шералиев тайинлади, денг!.. Шундай бўлсин! Ўзингиз назоратга олинг...

Генерал гўшакни қўйгач, йигит қандай миннатдорчилик билдиришни билмай, тараддудланибди.

— Сен отанг учун ғам ема, — дебди генерал, — у жиноятчи эмас, шунчаки, билиб-билмай хато қилган. Ҳамма ҳам янглишади. Аммо, сен отанг қилган хаталарни қилма, ҳалол ўс. Қаддингни кўтариб юр...

## «ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?»

Бу воқеани генералнинг хизмат машинаси ҳайдовчиси Эркин ака кўп бора хотирлаб, гапириб юрар экан.

— Бир куни Мурод Шералиевни жуда муҳим иш билан юқорига чақириб қолишганди, — дейди Эркин ака. — Йўлга тушдик. Шошиб турганимизни билардим. Шу боис, тезликни меъёридан ошириб, йўл-ҳаракат қоидаларига у қадар эътибор бермай кетаётгандим. Мурод ака орқада ўтирганча, индамай, қовоқларини осилтириб борарди.

Ғизиллаб кетаётувдим, рўпарамдаги светофорнинг қизил чироғи ёниб қолди. У пайтлар чорраҳаю светофорлар у қадар кўп эмасди, машиналар ҳам бугунгидек тирбанд бўлмасди. Шу сабабли қизил чироққа тўхтамай ўтиш деярли хавф туғдирмасди ҳам. Парво қилмай босавердим. Мурод ака бунисига чидолмай, охири «ёрилди»:

— Нега қоидаларни писанд қилмайсиз, қизилга тўхтамайсиз? — Мурод ака қаттиқ жеркишни билмасди, каттаю кичикка бирдек, мулойим муомала қиларди. — Мен қатъий туриб тартиб-интизом учун курашсам, тартиббузарларни жазоласам-у, ўзим қоидага риоя қилмасам?! Одамлар нима дейди?

...Дарҳақиқат, генерал ўшанда ўзи эмас, ҳайдовчиси қилган айб учун ҳам хижолат чеккан эди...

## «ШИКОЯТЧИ»

Бир куни Мурод Шералиев одатдагидек идорага кириб келаётсалар, терговчи ҳамроҳлигидаги миршаблар айбланувчининг икки қўлини қайирганча олиб чиқиб кетаётган экан. Айбдор миршабларга бўйсунгиси келмас, типирчилаб қўлини тортиб олишга уринар, оғзига келганини қайтармай, валдирарди.

Генерал беихтиёр йўлакда тўхтаб, манзарани кузатишда давом этибди. Айбланувчи ҳамон бўш келмай, асов отдай бўйнини чўзиб, ўшқираверибди:

— Айбдор эмасман! Далил-исботинг қани? Гумондаги одамга бундай муомала қилишга ҳақларинг йўқ!

— Овозингни ўчир! — дея биқинига ниқтабди миршаб йигит. — Ҳамманг бир гўрсан!

— Ҳали қараб турларинг, — дебди айбланувчи бор овози билан айюҳаннос солиб. — Устиларингдан нақ генерал Шералиевга арз қиламан!

Шу воқеа сабаб, генералнинг аралашуви билан гумондаги кишига тегишли жиноят иши қайтадан текширилиб, холис таҳлил қилинибди. Аммо, у ҳақиқатдан ҳам қасддан жиноят содир этган экан — қамалибди.

Буни қарангки, Мурод Шералиевнинг инсонпарвар, беғараз ва ғамхўр инсон эканлигини ашаддий жиноятчилар ҳам тан олар экан...

**Ғолиб РАҲИМОВ.**

---

**Республика Бадиий академиясида ёш ижодкор Феруза ва Лайло Башарованинг шахсий кўргазмаси очилди.**

# КЎРГАЗМАДА ЭРТАК МАВЗУЛАРИ

Феруза ва Лайло рассомлар сулоласидан бўлиб, бугунги кунда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтининг «Графика» кафедрасида фаолият юритишади. Иқтидорли ижодкорларнинг китоб графикаси йўналишида яратган икки юздан ортиқ асарлари нафақат юртимиздаги балки, хориждаги нуфузли кўргазмаларда ҳам намойиш этилган.

– Бу галги кўргазмадан Шарқ ва Европа эртакларига ишланган асарлар жой олган, – деди Феруза Башарова. – Уларда акс этган эртак мавзулари орқали болаларнинг ота-оналарига, она-заминга бўлган меҳрини янада кучайтиришни ният қилганмиз. Шунинг учун асарларни иложи борича соддароқ, чиройли безаклар бериб ишлашга ҳаракат қилдик.

Кўргазмада намойиш этилаётган график суратлар матнлар билан бойитилган бўлиб, улардаги қаҳрамонларнинг ички дунёси нафислик билан очиб берилган.

Кўргазма 25 мартга қадар давом этади.

**Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс».**

---

*Кўклам кўкатлари*

# ДАСТУРХОНГА ФАЙЗ, СОҒЛИҚҚА МАДАД

**Кўклам кунлари табиатнинг момақаймоқлари — ялпиз, исмалоқ, откулоқ, жағ-жағ, равоч, ундирилган сули, шовул, укроп, петрушка, селдерей сингари шифобахш кўкатлардан сомса, чучвара сингари таомлар тайёрлаш анъанага айланган. Қиш бўйи дармонсизланиб чиққан танамизга қувват берувчи, иштаҳа очувчи бундай дармондориларга алоҳида эҳтиёж сезамиз.**

## ИСМАЛОҚ

Қуёш тупроқни бироз илитиши билан ердан бош кўтариб, ўзини кўз-кўз қилувчи бу доривор ўсимлик тоғ ёнбағирларидаги ўтлоқларда, далаларда, эртаки экин пайкалларида кўплаб ўсади. Табобатда камқонлик, томоқ, ўпка ва асаб касалликларида унинг баргларидан тайёрланган дамлама истеъмол қилинади.

Тиб илми ва амалиётининг пири Абу Али Ибн Сино исмалоқ баргидан тайёрланган қайнатмани балғам кўчирувчи, йўталга, қабзиятга қарши, сафро ҳайдовчи восита сифатида қўллаган. Исмалоқ баргидан тайёрланган малҳам оғриқни ҳам қолдиради.

Одатда фолат кислотаси етишмаслиги кейинги зурриёдларнинг ошқозон-ичак тизимида рак касаллиги келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Исмалоқ истеъмол қилиш унинг олдини олади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, бу ўсимлик инсон соғлиги учун ниҳоятда зарур бўлган каротинга бой. У ўзида темир, йод, фосфор, калий, кальций, магний каби моддаларни сақлайди.

**Исмалоқ қайнатмаси:**

Ўсимликнинг сархил мурғак ўти ёки барглари майдаланади. Ундан бир ош қошиқ олиб, 200 грамм сувда ўн дақиқа давомида қайнатилади. Кейин бир соат дамлаб қўйилади. Қайнатма докада сузиб олиниб, кунига ярим пиёладан уч маҳал ичиб борилади.

## ЖАҒ-ЖАҒ

Жағ-жағ таркибида витаминлар кўп. Шу билан бирга унда танин, смола, тирамин, эфир мойлари, диосмин асослари бор. Гиёҳ таркиби, шунингдек, бир қатор микроэлементлар, организм учун зарур бўлган олма, узум, лимон кислоталарига бой.

Меъда, ўпка касалликлари, бурундан қон кетиш ҳолатларида бу кўкат дамламаси ичилади. Гиёҳни қайнатиб, бод билан оғриган жойларни унинг буғида тоблаш яхши фойда беради.

Жағ-жағ қон босимини тушириб, ичак фаолиятини меъёрлаштиради, модда алмашиш жараёнини яхшилайди.

Мана шу ҳосиятлари туфайли халқимиз илк баҳор кунлари жағ-жағ ўсимлигининг илдиз атрофидаги баргларидан чучвара, сомса, манти тайёрлайди. Бундай таомлар инсон организми учун фойдали эканлигини замонавий тиббиёт ҳам тасдиқламоқда. Ундан тайёрланган дори-дармонлардан буйрак, ўпка хасталикларини даволашда, геникологияда фойдаланилади.

**Мамлакат ЗУФАРОВА, провизор.**



*СУРАТДА: Оҳангарон тумани Бирлик маҳалласидаги Бўстон ая Эргашева хонадонида тайёрланаётган сумалак пишай деб қолди...*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

---

# ВАРРАКЛАР ПАРВОЗИ

**Тошкент туманидаги «Келес» ўйингоҳида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, Қизил Ярим Ой жамияти ҳамда болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг туман бўлимлари ҳамкорлигида варраклар парвози танлови ташкил этилди.**

Унда 32 та умумтаълим мактаби ва ёшлар ижодиёти маркази ўқувчилари қатнашдилар. Варракларни ҳар томонлама аниқ ва пухта ясаган 2-мактаб жамоаси аъзолари 1-ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса 4-, 11-мактаб вакилларига берилди.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Ибодулла МЎМИНОВ.**

---

*Тақвим*



# МУЧАЛДА ВАФО РАМЗИ

**Чор-атрофни чинакам гўзаллик, байрамона файзтароватга буркаб Наврўзи олам кириб келмоқда. Борлиқда кун билан тун тенглашадиган, янги кун бошланадиган, мучал алмашинадиган қадимий айёмни халқимиз ўзгача орзу-умидлар билан нишонлашга одатланган. Шарқона тақвимга кўра, шу куни ит мучали бошланади.**

Ер юзида инсон ҳаёт кечира бошлагач, унга биринчилар қатори ўрганган жонзот — ит ҳисобланади. Бу ҳақда турли-туман афсонаю эртаклар, ривоятлар тўқилган. Уларда ит инсоннинг энг яқин дўсти, ҳимоячиси, вафодори этиб таърифланган.

— Ён қўшнимиз Нури аянинг Тўрткўз лақабли ити бўларди, — деб эслайди Миллий университет талабаси Сардор Тилланазаров. — Ая уни чинакам меҳр билан боқар, парваришлар эди. Жонивор нуқул аянинг ортидан эргашиб юрарди. Нури ая оғир касал бўлиб ётганида Тўрткўз мунғайиб, остонадан нари кетмай қолди. Бир куни тонг маҳали роса увиллади, ўзини ҳар ёнга уриб, безовталанди, ҳовлини бошига кўтарди. Ит шовқинидан уйғонган уй эгалари хонадонга хавф солиб турган кўнгилсизликни сезишди — дарҳол ая ётган хонага киришди. Буни қарангки, ая тилдан қолган, сўнгги нафасларини ўтаётган экан...

Ишонасизми, Тўрткўз жанозага келганларга эргашиб, қабристонгача борди. Унга «кет» дейишга ҳеч кимнинг журъати етмасди. У ҳам атрофдагиларга зарра эътибор бермас, бошини қуйи эгганча увиллашга ўхшаган мунгли овоз чиқарарди.

Майитни ерга қўйиб, устидан тупроқ тортишаётганда, у одамлар орасидан ўтиб, қабр тепасига яқин туриб олди. Бебаҳо гавҳарини йўқотган девонадек жовдираб ҳар томонга алангларди. Шунда... умримда биринчи марта итнинг кўзидан тирқираган ёшни кўрганман...

Ҳамкасбимиз Суҳроб Йўлдошевнинг қуйидаги ҳикояси ҳам ҳайратланарли:

— Ҳарбий хизматдан уйга қайтгандим. Етти ҳуфтон пайти, атрофда зоғ кўринмайди. Қишлоғимизга элтувчи йўл бошидаги тепаликда нимадир қимирлагандек бўлди. Тўқайга туташ қишлоғимизга бўрилар оралаб турарди. Қўрқиб кетдим, атрофга қарадим, қўлга илинадиган ҳеч вақо йўқ. Тўхтаб қолдим. Иттифоқо, кўринган шарпа мен томон кела бошлади. Яқинлашгач, тузукроқ қарасам, ўзимизнинг Олапар! Тиззалаб бағримга босдим. У атрофимни бир қур айланди, чор-атрофга сакраб, ўйноқлади. Икки йилдан сўнг мени учратганидан ўзида йўқ хурсанд. Бир зум мен билан ёнма-ён юргач, зарур нарса эсига тушгандек, вовуллаб уйимиз томон чопди. Ортидан эргашдим.

Ҳовлимизга етгач, ҳайратим ошди, дарвозахонада туриб қолдим. Алламаҳал бўлишига қарамай, ҳамма туриб ҳовлида югур-югур қилишаяпти. Олапар ҳамон ҳовлини бошига кўтарар, уйдагиларнинг ёнига бир-бир бориб, дарвоза тарафга югурарди. Ниҳоят, улар бир нимани пайқаб, дарвозага, кўча томонга юра бошлашди...

Ана шунақа гаплар. Эзгу орзу-умидлар билан бошланган, ўта ақлли ва вафодор жонзот бўлган ит мучали яхшиликлар олиб келишига ишонамиз. Кексаларнинг айтишича, ит йили кўпинча баракали бўлиб, тинч-осойишта, тўкин-сочин ўтган. Халқ оғзаки ижодида «Ит йили — қут йили», деган ибора ҳам бор. Бу мучалда туғилган инсонларнинг иқболи ёруғ, ризқ-насибаси бутун бўлган, дейишади.

**Шерали ҒАЙРАТОВ.**



*– Бундан эллик йил бурун Наврўз куни шу ерда учрашгандик, кампир.*

**А. ҲАКИМОВ чизган расм.**

---

## ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Агар жуда ҳам кир бўлиб кетган пахта толали кийимни ювмоқчи бўлсангиз, 30-40 даражадаги иссиқ сувга уксус қўшиб (1 литр сувга 1 чой қошиқ) ивитиб қўйинг. 1-1,5 соатдан сўнг кийимларни қийинчиликсиз ювишингиз мумкин.

● Дастрўмолларни 2 соатга туз солинган совуқ сувда ивитиб кейин ювсангиз, рангини йўқотмайди. (1 литр сувга 1 чой қошиқ туз)

● Оқ рангли пайпоқ, гольфилар 2 соат мобайнида ишқор кислотаси солинган сувда ивитилиб, сўнг ювилса, уларнинг ранги хиралашмайди (10 литр сувга 1-2 ош қошиқ ишқор кислотаси).

● Пайпоқларингиз борган сари қаттиқлашиб бораётганлигини сезсангиз, уларни ювишдан аввал 1 соатга нашатир спирти қўшилган сувга ивитиб қўйиб сўнг ювсангиз, улар яна юмшоқ ҳолига қайтади (1 литр сувга 1 ош қошиқ нашатир спирти).

● Ранги қорайган тюль пардаларни илиқ тузли сувда ивитиб, кейин ювсангиз, ранги оқариб, майин ҳолга келади.

---


## «Toshkent Regional Trading» акциядорлик компанияси

**2006 йил 21 апрель куни соат 10.00 да акциядорларнинг йиллик умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 2-уй, "Toshkent Regional Trading" АКнинг "Бизнес-марказ" биноси. Мўлжал: метронинг "Космонавтлар" бекати, "Марварид" дўкони ёнида. (Акциядорлар реестри 2006 йил 20 март санаси билан ёпилади).**

**Кун тартиби:**

1. «Toshkent Regional Trading» акциядорлик компанияси бошқарувининг 2005 йилдаги фаолияти ва бизнес-режаси бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот.
2. Компаниянинг 2005 йил бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Компаниянинг 2004 йилдаги фаолияти тўғрисидаги аудиторлик текширув хулосасини тасдиқлаш.
5. Компаниянинг 2005 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш ҳақида.
6. Компаниянинг 2006 йил учун харажатлар ва даромадлар сметасини тасдиқлаш.
7. Компаниянинг 2006 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Компания низомига қўшимча ва ўзгартиришларни тасдиқлаш.
9. Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисида.
10. Бошқарув раисини тасдиқлаш тўғрисида.
11. Бошқа масалалар.

**Саволлар билан 152-11-71, 152-11-74 рақамли телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.**

***Кузатув кенгаши.***

## «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида кимошди савдосига қўйилаётган объект ва мол-мулклар рўйхати

| № | Мулк номи | Микдори | Курилган йили | Қайтадан сотувга қўйилган мулк баҳоси (минг сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Пахта сарой, дала шийпони 4-сон ширкат асфальт майдони билан (хирмон) | 1 | 1975 йил | 2500 |
| 2 | 1-дала шийпони асфальт майдони билан (хирмон) | 1 | 1974 йил | 2000 |
| 3 | Ҳаммом | 1 | 1962 йил | 800 |
| 4 | Биолаборатория биноси | 1 | 1969 йил | 2000 |
| 5 | Асосий идора олдидаги бино | 1 | 1969 йил | 900 |
| 6 | Чойхона биноси | 1 | 1964 йил | 650 |
| 7 | Чорва идораси (туражой) | 1 | 1982 йил | 1300 |
| 8 | Меҳмонхона, бино, ошхонаси билан | 2 | 1962 йил | 2600 |
| 9 | Трактор гаражи, бостирмаси, асфальт майдони билан | 1 | 1962 йил | 4800 |
| 10 | Озиқ-овқат омбори | 1 | 1978 йил | 1500 |
| 11 | Минерал ўғит омбори | 1 | 1965 йил | 800 |
| 12 | Автогараж, бостирма, асфальт майдони билан | 1 | 1962 йил | 400 |
| 13 | Минерал ўғит омбори (захарли) | 1 | 1991 йил | 250 |
| 14 | Автогараж. Туражой | 1 | 1970 йил | 200 |

**Тугатиш комиссияси.**

## БИЛДИРИШ

Чиноз тумани, собиқ Т. Эрназаров номли ширкат хўжалигида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича 2006 йил 25 март куни соат 14.00 да 11-лойиҳага қайтадан тендер (танлов) ўтказилади. Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан 23 мартгача аризалар қабул қилинади.

**Тугатиш комиссияси.**


**«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 25 март куни чиқади**

Тошкент вилоят хўжалик суди жамоаси суд раисининг ўринбосари Мирзораҳмат Ниязметовга волидаи муҳтарамаси **РИСОЛАТ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 9587. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчилар: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ, Умид УБАЙДУЛЛО.*

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. *Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.15. 1 2 3 4 5